

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

СЕЙДАМЕТОВА ГУЛЬНАРА УТАРБАЕВНА

**XX АСРНИНГ 60-80 ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ШАҲАР АҲОЛИСИНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

УЎК: 94(575.172):394 «1960-1980»(043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Сейдаметова Гульнара Утарбаевна

XX асрнинг 60-80 йиллардаги Қорақалпоғистон шаҳар аҳолисининг

кундалик ҳаёти 3

Сейдаметова Гульнара Утарбаевна

Повседневная жизнь городского населения Каракалпакстана

в 60-80-х годах XX века 25

Seydametova Gulnara Utarbaevna

Everyday life of the urban population of Karakalpakstan

in the 60-80th years of the twentieth century 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

СЕЙДАМЕТОВА ГУЛЬНАРА УТАРБАЕВНА

**XX АСРНИНГ 60-80 ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ШАҲАР АҲОЛИСИНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида № **V.2017.3.Phd/Tar.203**. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шадманова Санавар Базарбаевна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маҳкамова Нодира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор

Давлетияров Мададбай Максетович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ургенч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги DSc.06.01.2018. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй, Тарих институти. 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (998 71) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91) e-mail: info@uzhistory.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел: (998 71) 262-74-58; факс: (+998 71) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. С. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор, академик

М. Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А. Х. Дониёров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) д иссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон тарихи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида глобаллашув жараёнларининг жадал бораётганлиги билан характерланади. Бундай вазиятда аҳолининг кундалик ҳаётини тадқиқ этиш тарих фани олдида турган долзарб масалалардан биридир. Кундалик ҳаёт тарихи – ижтимоий фанларнинг янги ва истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, бунда асосий эътибор «оддий одамлар»нинг яшаш тарзи, ички дунёси ва ҳаётини тажрибаси, унинг атрофидаги муҳитни ўрганишга қаратилади. Бу эса кундалик ҳаётни тадқиқ этиш борасидаги билимлар доирасини кенгайтириб, мавҳум жараёнлардан аниқ ҳаётини вазиятларни ўрганиш сари боришга йўл очади, ўтмиш манзарасини холис баҳолаш имконини беради.

Жаҳонда кундалик ҳаёт тарзи масалалари янги илмий йўналишлардан бири бўлиб, бир қатор халқаро етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Германия, Франция, АҚШдаги гуманитар институтлар, Россия Фанлар академиясининг тарих институтида мазкур йўналишдаги тадқиқот марказлари шаклланди бўлиб, уларда аҳоли демографияси, турмуш шароитлари ва даражаси, турмуш тарзи, оилавий муносабатлардаги ўзгаришлар ҳамда шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларни тадқиқ этишга қаратилган илмий ишлар олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон омилининг жамиятдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришлар, энг аввало аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган¹. Бу борада олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлар тарихий тажрибани чуқур ўрганиш, ўтмиш сабоқларидан керакли хулоса чиқариш, совет даврида давлат манфаатларининг инсон манфаатларидан устун қўйилиши ва унинг оқибатларини таҳлил этишни тақозо этади. Бу эса турли соҳа тадқиқотчилари, жумладан, тарихчиларнинг социалистик жамиятда аҳоли кундалик ҳаётида рўй берган трансформацион жараёнларни ўрганишга бўлган интилишлари ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Оддий турмуш нафақат муайян халқ ёки ҳудуд аҳолисининг кундалик ҳаётини очиб беришда, балки оддий одамнинг яшаш тарзи ва турмушига таъсир қилган трансформацион жараёнларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлашга ёрдам беради. Жумладан, XX асрнинг 60-80-йилларида Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий, хўжалик ва маданий ҳаётидаги муҳим ўзгаришларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Совет даврида Қорақалпоғистонда шаҳар аҳолисининг кундалик ҳаёти алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида махсус ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг заруриятини белгилайди.

¹ Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. <https://president.uz/ru/lists/view/111>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги, 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сонли “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Фармонлари, 2002 йил 4 апрелдаги 353-II-сон “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳар-созлик кодекси” ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ равишда ба-жарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тарихшунослигида аҳолининг кундалик ҳаёти тарихини ўрганиш алоҳида йўналиш сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган. Мавзуга доир адабиётларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) совет даври изланишлари; 2) мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар; 3) хорижий муаллифларнинг ишлари.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг совет даври тарихшунослигида 1960-1980 йиллардаги кундалик ҳаёт масалалари тарихчи ва этнографларнинг тадқиқотларида умуман ижтимоий ҳаёт тарзи контекстида ёритиб берилган бўлса-да, уларда «кундалик» атамаси қўлланилмаган². Бу даврда маълум гуруҳ тадқиқотчиларнинг ишларида шаҳар аҳолисининг моддий фаровонлиги масалалари ёритиб берилган³. Тадқиқот мавзусига яқин изланишларни Х. Есбергенов, Т. Атамуратов сингари этнографлар⁴ амалга оширганлар. А. Курбаниязовнинг ишида ҳудуддаги савдо ва товар айланмаси тўғрисида қизиқарли фактологик маълумотлар мавжуд⁵.

² Сенявский С.Л. Изменения в социальной структуре советского общества (1938-1970 гг.). – Москва: Мысль, 1973. – С.142.

³ История рабочего класса советского Каракалпакстана. – Ташкент: Фан УзССР, 1977. –144 с.; Муратова П. Каракалпакстанда интеллигенция кадрларын таярлаў. – Нөкис: Каракалпакстан, 1992. – 144 с.; Легецкая Л. Рабочий класс ККАССР в условиях развитого социализма // Вестник ККФ АН УзССР. – 1985. – № 2. – С. 76-80; Ўша муаллиф. Промышленное развитие Каракалпакской АССР. 1965-1975 гг. Автореф. дисс. на соис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1986; Курбаниязов А. Особенности развития трудовых ресурсов в Каракалпакии // Вестник ККФ АН УзССР. – 1984. – №2. – С. 54-60; Камалов С., Кошанов А. Тарийх дәрбентиндеги қала. Әмиў шамшырағы. – Нөкис: Қарақалпакстан, 1973; Татыбаева В.Х. Нукус - столица Каракалпакской АССР. История основания и развития города. – Нукус: Каракалпакстан, 1979. – 76 с.; Ўша муаллиф. История социалистического города Нукуса – столицы Каракалпакской АССР. Автореф. дисс. на соис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1983; Ягодин В., Есбергенов Х., Кошанов А., Муратова П. Қарақалпакстан Республикасы пайтахты – Нөкис қаласына 60 жыл. – Нөкис: Билим, 1992.– 36 с.; ва б.

⁴ Есбергенов Х. Қарақалпаклардың гейпара дәстүрлері хақында. – Нөкис: Қарақалпакстан, 1964. – 106 с; Есбергенов Х., Атамуратов Т. Традиции и их преобразования в городском быту каракалпаков. – Нукус: Каракалпакстан, 1975. – 212 с.

⁵ Курбаниязов А. Развитие торговли в Каракалпакской АССР в условиях зрелого социализма. – Ташкент: Фан, 1982. –96 с.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихшунослигида кундалик ҳаёт масалаларига эътибор қаратила бошланди. Хусусан, А. Джумашев⁶ ва С. Шадмановаларнинг⁷ мақолаларида кундалик ҳаёт тарихини тадқиқ этиш тарихи, тадқиқот методологияси ва усулларига оид масалалар ёритилган. Проф. Д. Алимова “кундалик тарих” тушунчасига таъриф бериб, «бу фаннинг мустақил йўналиши эмас, балки ижтимоий тарихнинг бир бўлаги, белгиси ёки усулидир», деб таъкидлайди⁸. Г. Шамамбетованинг⁹ диссертациясида меҳнатни ташкил этиш, аҳолининг моддий аҳволи ва ички миграцияси жараёнлари таҳлил этиб берилган.

Ушбу даврда Қорақалпоғистон тарихшунослигида шаҳар ва шаҳар аҳолиси акад. С. Камалов, т.ф.н., проф. Б. Кошанов ва бошқалар¹⁰ томонидан ўрганилган. Қорақалпоқ жамияти ижтимоий ҳаётининг айрим жиҳатлари географ, иқтисодчи ва социологлар¹¹ томонидан ҳам тадқиқ этилган.

1980-йилларда кундалик ҳаёт (Alltagsgeschichte) моҳиятини ўрганган немис тадқиқотчилари Х. Медик ва А. Людтке¹² «янги ижтимоий тарих»ни – оддий, камтар, «кичкина» одамларнинг янги тарихини ёзиш орқали – мадани-

⁶ Джумашев А. Новые исследования в исторической науке: история повседневности / Тезисы Республиканской научно-практической конференции «Наука Каракалпакстана: вчера, сегодня, завтра», посвященной 50-летию Каракалпакского отделения АН РУз. Нукус, 2009. – С.127-128.

⁷ Шадманова С. Жаҳон тарихшунослигида кундалик ҳаёт тарихи: шаклланиши, вазифалари ва тадқиқот усуллари / Жаҳон тарихи кафедрасининг илмий ишлар тўплами. 1-жилд. – Тошкент: Наврўз, 2015. – Б.182-188.

⁸ Алимова Д. Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. Т. 3. – Ташкент: Media Land, 2018. – С.192.

⁹ Шамамбетова Г.Б. Социальная политика в Каракалпакстане (1950-1985 годы). Автореф. дисс. на соис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2004.

¹⁰ Камалов С. Нөкис қаласының раўажланыў тарийхынан // Вестник ККО АН РУз. – 2003. – № 6. – С. 64-68; Кошанов Б. Проблемы и поиски в градостроительстве // Вести Каракалпакстана. – 2002. – 26 октября; Шу муаллиф. Мегалополис по-восточному. // Вести Каракалпакстана. – 2003. – 4 марта; Есназарова З. История города Нукуса периода независимости (1991-2005 гг.). Автореф. дисс. на соис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2009; Шу муаллиф. История города Нукуса периода независимости (1991-2005 гг.). – Нукус: Каракалпакстан, 2014. – 123 с.; Кунназаров К. Нөкис қаласының қурылыў тарийхы. – Нөкис: Қарақалпақстан, – 2003.– 68 с.; Есбергенов Х., Нуржанов С., Ходжаниязов Г., Ягодин В. Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус: қадимий ва новқирон шаҳар. (на узб. и рус. яз.): Отв. ред. акад. С. Камалов. – Тошкент: KURASH, 2002. – 132 с.; Джумашев А. Из истории преобразования города Нукуса в столицу Каракалпакстана / Карақалпақстан Республикасынын пайтахты – Нөкис қаласынын 70 жыллығына бағышланган республикалык илимий-теориялык конференция материаллары. Нукус, 2002.– С. 20-22; Джумашев А., Нуржанов С., Мамбетов И. Город Нукус – столица Каракалпакстана. / Региональное управление и проблема эффективности власти в России (XVIII-начало XXI вв.). Всероссийская научная конференция с международным участием. Оренбург, 2012. – С. 282-286; ва б.

¹¹ Абдалова З. Социально-экономические условия развития городских поселений Нижнеамударьинского района. Автореф. дисс. на соис. ... канд.геогр.наук. – Ташкент, 1995; Алимбетов Ю. Взаимодействие национального и общечеловеческого в образе жизни каракалпакского народа. Автореф. дисс. на соис. ... канд. философ. наук. – Ташкент, 1997; Ходжаева Г. Қорақалпоғистон Республикасида вужудга келган демографик вазиятнинг асосий хусусиятлари. Геогр. фан. ном. ... дисс. – Ташкент, 1998; Аимбетов Н. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). Иқт.фан. докт. ... дисс. автореф. – Ташкент, 2000; Утепова Г. Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ жойларининг демографик жойланиши ва меҳнат ресурслари муаммолари. Геогр. фан. ном. ... дисс. – Ташкент, 2002; Камалова Х. Мониторинг социальных процессов в Республике Каракалпакстан. Автореф. дисс. ... канд. соц. наук. – Ташкент, 2004.

¹² Людтке А. «История повседневности» в Германии после 1989 года // Казус. – Москва, 1999. – Вып. 2. С. 117—126; Людтке А. Что такое история повседневности? Ее достижения и перспективы в Германии // Социальная история. Ежегодник. 1998/99. – Москва, 1999. – С. 77-100.

ят муаммоси, кундалик ҳаёт ва жамиятдаги хулк-атворларни тушунишни таклиф қилганлар¹³.

Кундалик ҳаёт тарихига оид хорижий тарихшунослик намуналари қаторига Г. Маркузе, П. Бергер, Т. Лукман¹⁴ ва Г. Гарфинкель¹⁵, шунингдек, немис социологи Н. Эллиас¹⁶нинг илмий изланишларини киритиш мумкин. Мазкур масала тадқиқининг ривожланишига америкалик маданиятшунос олим ва антрополог К. Гирц¹⁷ ҳам катта ҳисса қўшган.

Россиялик тарихчилар кундалик ҳаёт муаммосини ўрганиш борасида салмоқли ишлар қилганлар. Масалан, Россия Фанлар академиясининг турли хил институтларидаги тарихчилар кундалик тарихни ўрганиш учун махсус гуруҳ тузиб, «Одиссей» альманахи ва «Казус» солномасини чоп этишни йўлга қўйганлар¹⁸. Шунингдек, охириги йилларда Россия тарихшунослигида кундалик тарих методологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹⁹.

Кўриб ўтилганидек, кундалик тарих масалаларини тадқиқ этиш илмий йўналиш сифатида ривожланиб бормоқда. Бироқ, Қорақалпоғистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритишга бағишланган кўплаб илмий ишлар мавжуд бўлишига қарамасдан, уларда ХХ асрнинг иккинчи ярмидаги қорақалпоқ жамияти кундалик ҳаётининг айрим жиҳатлари фақат қисман акс эттирилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети ва ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда ФА-Ф1-ГОО1 «Қорақалпоғистон жаҳон маданияти контекстида. Амударёнинг қўйи томонидаги шаҳар ва шаҳар маданиятининг тарихий истиқболлари» (2012-2016 йй.) фундаментал лойиҳаси ва ПЗ-20170915198 «Қорақалпоқ жамиятидаги ижтимоий тартибларнинг трансформацияси: тарих ва амалиёт» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1960-1980 йилларда Қорақалпоғистон шаҳар аҳолисининг кундалик ҳаёти тарихини яхлит ҳолда очиб беришдан иборат.

¹³ Шадманова С. Жаҳон тарихшунослигида кундалик ҳаёт тарихи: шаклланиши, вазифалари ва тадқиқот усуллари / Жаҳон тарихи кафедрасининг илмий ишлар тўплами. 1-жилд. – Тошкент: Наврўз, 2015. – Б.182-188.

¹⁴ Маркузе Г. Одномерный человек. – Москва: REFL-book, 1994. – 368 с.; Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. – Москва: Медиум, 1995. – 323 с.

¹⁵ Гарфинкель Г. Исследования по этнометодологии. (серия «Мастера социологии») – СПб.: Питер, 2007. – 335 с.

¹⁶ Эллиас Н. О процессе цивилизации. Социогенетические и психогенетические исследования. – СПб.: Университетская книга, 2001. – 336 с.

¹⁷ Гирц К. Интерпретация культур (Культурология. XX век). – Москва: РОССПЕН, 2004. – 560 с.

¹⁸ Пушкарева Н. «История повседневности» как направление исторических исследований.// Перспективы. Фонд исторической перспективы. <http://www.perspektivy.info/>

¹⁹ Лебина Н.Б., Чистиков А. Н. Обыватель и реформы. Картины повседневной жизни горожан в годы НЭПа и хрущевского десятилетия. – СПб.: Дмитрий Буланин, 2003. –344 с.; Григорьева А. Г. Советская повседневность и уровень жизни населения СССР в 1953-1964 гг. Автореф. дисс. на соис. ... канд. ист. наук. – Москва, 2003.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1960-1980 йилларда Қорақалпоғистон шаҳарларида шаҳар маданияти ривожининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

совет даврида Қорақалпоғистон шаҳарлари маъмурий-худудий тузилишидаги ўзгаришлар ва аҳоли динамикасининг шаҳарлар инфратузилмасига таъсирини ёритиш;

оилавий муносабатлардаги ўзгаришлар моҳиятини республика шаҳарларидаги ижтимоий-иқтисодий шароитларни тадқиқ этиш орқали очиб бериш;

шаҳар аҳолиси турмуш тарзи ва маданияти шаклланишининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

аҳолига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш тизими ҳолатини ёритиб бериш;

совет даврида шаҳар экологияси, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳоли бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш масалаларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1960-1980 йилларда Қорақалпоғистон шаҳарларидаги аҳолининг кундалик ҳаёти тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини шаҳар инфратузилмаси, маъмурий-худудий тузилиши, аҳоли динамикаси, оилавий муносабатлар ва шаҳарликларнинг бюджети масалалари, ижтимоий-маданий ва таълим муассасалари фаолияти, шунингдек содир этилган қонунбузарликларни шаҳар аҳолиси кундалик ҳаётининг ижтимоий фактори сифатида ўрганиш масалалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда фанлараро ёндашувга асосланган ҳолда илмийлик, қиёсий таҳлил ва тарихийлик усуллари қўлланилди. Бундан ташқари суҳбат, анкета сўровлари ва шахсий кузатувлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Нукус, Тахиатош, Хўжайли, Тўрткўл, Чимбой, Кўнғирот каби шаҳарлар аҳолиси сонининг миграция ҳисобига шаклланганлиги, бу эса республикада шаҳар аҳолиси таркибига таъсир кўрсатган ҳолда шаҳар салмоғининг ортиши ва уларнинг «ёшариши»га олиб келганлиги аниқланган;

республика иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги муаммолар (моддий таъминотнинг паст эканлиги, озиқ-овқат ва уй-жой танқислиги, маиший, экологик муаммолар ва б.) шаҳар аҳолисининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатиб, турли касалликлар (анемия, юқумли касалликлар, ўлим даражасининг юқорилиги ва б.)га сабаб бўлганлиги асосланган;

шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисига нисбатан кундалик ҳаёти трансформацияга кўпроқ учраганлиги (моддий маданият, янгича оилавий муносабатлар, урф-одатлар ва дам олишнинг ташкил этилишидаги ўзгаришлар), шунингдек зарарли одатлар (ичкиликбозлик, жиноятчилик)нинг кучайиши ва бунга таъсир қилган омиллар кўрсатиб берилган;

аҳолининг барча қатламлари орасида социалистик маданиятни кенг ёйишга қаратилган тадбирлар (клублар, китобхонлик, кино, театр ва б.) аҳолининг кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар ва ўша давр кишиларининг қарашларига бевосита таъсир кўрсатганлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлат ва жамоат бошқаруви органлари учун ижтимоий-маиший характердаги масалаларни ишлаб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

келгусида Қорақалпоғистон аҳолисининг кундалик ҳаётини ўрганишга қаратилган назарий-методологик ва тарихшунослик тадқиқотлар кўламини кенгайтириш модели ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий адабиётлар, норматив ҳужжатлар ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллариининг тадқиқотларидан фойдаланилганлиги, Қорақалпоғистон шаҳар аҳолисининг кундалик ҳаёти тарихини ёритувчи давлат архивлари материаллари каби бирламчи манбаларга асосланилганлиги, шу асосда тегишли хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли давлат муассасалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, 1960-1980 йилларда Қорақалпоғистон шаҳар аҳолисининг кундалик ҳаёти тарихига оид материаллар даврий изчилликда, муаммовий ёндашув асосида таҳлил қилинди, уларнинг сабаб ва оқибатлари аниқланди ҳамда тегишли назарий хулосалар тақдим этилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти келтирилган материаллар ва хулосалар совет даврида Қорақалпоғистон шаҳар аҳолисининг кундалик ҳаёти тарихи бўйича илмий ишлар яратишда, Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув муассасаларининг ижтимоий-гуманитар йўналишларида замонавий шаҳарлар тарихи бўйича махсус курслар ташкил этиш ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

XX асрнинг иккинчи ярмида Қорақалпоғистон аҳолисининг кундалик ҳаётини тадқиқ этиш давомида олинган илмий натижалар ва таклифлар асосида:

1960-1980 йилларда Қорақалпоғистон шаҳарларидаги миграция жараёнлари, турар жойлар, ижтимоий-маданий ва маиший объектлар қурилиши, шаҳарликлар шахсий ёрдамчи хўжаликларининг ривожланишига оид хулоса ва маълумотлардан ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-ГОО2 “Қорақалпоғистон тарихи (1991-2015 йй.)” лойиҳасининг “Хўжалик ва кундалик ҳаёт масалалари, аҳолини турар жой билан таъминланганлик даражаси” қисмини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 17 апрелдаги 701/55-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар Қорақалпоғистоннинг 1960-1980 йиллардаги шаҳар аҳолиси кундалик ҳаётининг умумий манзарасини кўрсатишга ҳамда ҳудудий хусусиятларини аниқлашга хизмат қилган;

Қорақалпоғистон шаҳарларида ижтимоий инфратузилманинг шаклланиш жараёни, яшаш маданиятининг ривожланиши, ҳаёт даражаси ва шаҳар-

ликларнинг бандлигига оид олинган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказда амалга оширилган ПЗ-2017092849 “Ўзбекистон мустақилликка эришишининг тарихий шарт-шароитлари: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар” инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2019 йил 16 майдаги 3/1255–1467-сон маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар ва хулосаларнинг қўлланилиши замонавий шаҳар инфратузилмасининг режалаштирилиши масаласига аниқлик киритишга хизмат қилган;

Қорақалпоғистон шаҳарларининг тарихий ўтмиши билан боғлиқ материаллардан И.В. Савицкий номидаги Санъат давлат музейида XX асрнинг 30-60 йилларида қорақолпоқларнинг турмуши ва уй интерьерига бағишланган кўргазма-экспозицияларини яратишда фойдаланилган. (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 20 мартдаги 2-04/526-сон маълумотномаси). Ушбу экспозициялар музейга ташриф буюрганларнинг тарих, архитектура, шаҳарсозлик, шаҳар маданияти ва аҳолининг кундалик ҳаёти, республика аҳолисининг маънавий қадриятлари бўйича тасаввурларини бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика, 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация юзасидан жами 22 та иш эълон қилинган. Жумладан, тадқиқотнинг асосий мазмуни, хулоса ва натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган даврий нашрларида эълон қилинган 10 та, хусусан, республика журналларидаги 8 та ва халқаро нашрлардаги 2 та илмий мақолаларда акс этган. Шунингдек, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлар тўпламларида 12 та тезис ва мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**XX асрнинг 60-80-йилларида Қорақалпоғистон шаҳарлари ва шаҳар аҳолиси**” деб номланган биринчи боби республика

шаҳар аҳолисининг сони ва таркиби ҳамда демографик жараёнлар таҳлилларига бағишланган.

XX асрнинг 60-йиллар бошида Қорақалпоғистонда фаол тарзда шаҳар агломерацияларининг вужудга келиши кузатилади. Тадқиқ этилган даврда республика маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 9 та туман, 56 та қишлоқ кенгашлари, 8 та шаҳарга бўлинган. Мавжуд шаҳарлардан 2 таси (Нукус ва Хўжайли) вилоят бўйсунувидаги, қолган 6 таси (Чимбой, Тўрткўл, Беруний, Тахиатош, Қўнғирот и Мўйноқ) туман бўйсунувидаги шаҳарлардан иборат бўлган²⁰. Бундан ташқари, 7 та шаҳар типидagi поселкалар (Манғит, Водник, Железнодорожный, Комсомольск-на-Устюрте, Пристанской, Кизкеткен, Қоратоу) бўлиб, улардан бир нечтаси кейинчалик мустақил шаҳар бирлашмасига айлантирилган ёки йирикроқ шаҳар бирлашмаларига қўшиб юборилган.

Ушбу шаҳарларнинг аксар қисми қишлоқ аҳоли пунктлари ўрнида пайдо бўлганлиги Ўрта Осиё урбанизациясининг ўзига хос хусусиятидан бири ҳисобланади. Қорақалпоғистоннинг энг йирик шаҳар бирлашмаларидан бири – Тўрткўл бўлиб, у республиканинг илк пойтахти ҳисобланган ва 1939 йилгача Қорақалпоғистон АССРнинг маъмурий, сиёсий-иқтисодий ва маданий маркази бўлган²¹. 1970 йилда шаҳарда 14 минг аҳоли истиқомат қилган.

Минтақада шаҳарлар шаклланишининг бошқа бир хусусиятларини кичик бир қишлоқ ўрнида пайдо бўлиб, кейинчалик волост, туман маркази ва республика пойтахтига айланган Нукус шаҳри мисолида кўриш мумкин²². Саноатнинг ривожланиши, янги ижтимоий ва маданий объектларнинг қурилиши, шунингдек, маъмурий-бошқарув аппаратининг кўчириб келиниши унинг демографик манзарасига сезиларли таъсир кўрсатган. Хусусан, 1970 йилга келиб Нукус шаҳри аҳолисининг сони 81,3 мингга етган²³.

1960-йилларда Хўжайли ва Беруний республика бўйсунувидаги шаҳарларга айлантирилган. 1970-йилларга келиб, Хўжайлида – 60,5, Берунийда эса – 20,3 минг аҳоли истиқомат қилган. Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгашининг 1964 йил 28 августдаги фармонида асосан Қўнғирот тумани чегарасида шаҳар типидagi посёлка – Комсомольск-на-Устюрте ташкил этилган²⁴. 1970 йилга келиб, 14,4 минг аҳолиси бўлган Қўнғиротга шаҳар мақоми берилган.

Умуман олганда, Қорақалпоғистоннинг жами аҳолиси таркибида шаҳарликлар улуши кўпайиб борган. Шаҳар аҳолиси 1960-йилларда – 27%, 1970-йилларда – 42%ни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда 48% га етган²⁵.

Бу даврда шаҳар ҳаёти ёшларнинг дунёқарашига сезиларли таъсир кўрсатган. Жумладан, ёшлар кўпроқ ўзларининг хоҳишлари билан турмуш қура

²⁰ Народное хозяйство Каракалпакской АССР. Статистический сборник. – Нукус: Каракалпакия, 1971– С. 10.

²¹ Камалов С., Кошанов А., Хажиев Ғ. Тўрткўл – Қарақалпақстанның биринши пайтахты. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993; Хожаягелдиев А. История города Турткуля. 1873-1941 гг. Автореф. дисс. на соис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1998.

²² Татыбаева В. Х. Нукус – столица Каракалпакской АССР. История основания и развития города. – Нукус: Каракалпақстан, 1979. – 76 с.; Ягодин В., Есбергенов Х., Кошанов А., Муратова П. Қарақалпақстан Республикасы пайтахты – Нөкис қаласына 60 жыл. – Нөкис: Билим, 1992.– 36 с.

²³ Народное хозяйство Каракалпакской АССР. Статистический сборник. – Нукус: Каракалпакия, 1971.

²⁴ ҚР МДА, ф.156, р. 3, йж. 1556, в. 143.

²⁵ Рзаев К. Демографическое развитие Советской Республики Каракалпақстан // Вестник ККФ АН УзССР, 1991,– №2. – С.92-93.

бошлаганлар. Таниқли этнограф Х. Есбергеновнинг ёзишича, шаҳарда «...ёшлар асосан ишлаб чиқаришда бирга меҳнат қилиш жараёнида, институт ёки техникумларда ўқиш, театр, кино ва рақс майдончаларида ва ҳ.золарда ўзлари танишганлар»²⁶. Анъанавий урф-одатларнинг ўзгариб кетиши оила қуришнинг янги шакллариининг пайдо бўлишига олиб келган. 1960-йилларда оналарнинг розилигисиз қизларни ўғирлаб кетиш ҳоллари кўпайиб борганлигини кузатиш мумкин²⁷. Шу билан бирга, XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб «комсомол» тўйлари урфга кирган. Бунга никоҳнинг ФХДЁ органлари томонидан қайд этилиши ҳам сезиларли туртки бўлган. 1970-йилларда ёш келинкуёвларнинг 26%и тантанали никоҳ қайдидан ўтган бўлсалар, 1984 йилга келиб ушбу кўрсаткич 54%ни ташкил этган²⁸. Бироқ, ўзаро муносабатлар ва хулқ-атвор меъёрлари асосан анъана ва урф-одатлар билан боғлиқ ҳолда ривожланишда давом этган.

Нукус оилаларини таҳлил қилиш натижаларининг кўрсатишича, эрхотиннинг ижтимоий мавқеи болалар сонидан ҳам ўз аксини топган. Қорақалпоғистон оилаларида асосан 7-10 нафар, жуда кам ҳолларда эса 4-5 нафар бола бўлган. 1960-1970 йилларда Нукус зиёлилари орасида козоқ ва рус миллатлари вакиллари ўртасидаги никоҳлар сони кўпайганлигини кузатиш мумкин. 1980-йилларда жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида кузатилган бир қатор инқирозли ҳолатлар оилаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражаси жуда паст бўлиб, уларнинг катта қисмини аёллар ташкил этган. Ишсизларнинг 80,6%и аёллар бўлиб, бунинг асосий сабаби ёш болалар тарбияси билан бандлик ёки мутахассислик бўйича бўш жойларнинг йўқлиги сабаб бўлган. Ишсизларнинг аксарият қисми – Нукус (4 046 киши) ва Хўжайлида (2 985 киши) истиқомат қилган²⁹.

Шаҳар аҳолисининг ойлик маош ҳисобидан олинган пуллик даромадларининг ошиб бориши натижасида кундалик ҳаётда сезиларли ўзгаришлар содир бўлган. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ишчиларнинг пуллик харажатларининг 75-80%ини ойлик маош қоплаган³⁰. Қорақалпоғистон аҳолисининг бошқа бир даромад манбаи болалар учун ёрдам пули ва кексаларга пенсияларнинг тўланиши билан боғлиқ бўлган. 1960 йиллар бошларида республика бўйича 21 980 нафар одам пенсия олган бўлса, 24 643 та кўп болали оилалар ва ёлғиз оналар ёрдам пули олганлар³¹. Пуллик даромаднинг ошиб бориши халқ истеъмол товарлари, шунингдек жамғарма кассаларга омонатларни қўйишга бўлган талабнинг ошиб боришига сабаб бўлган.

²⁶ Есбергенов Х. Атамуратов Т. Традиции и их преобразования в городском быту каракалпаков. – Нукус: Каракалпакстан, 1975 – С.49.

²⁷ Муаллифнинг дала тадқиқот материаллари, Нукус ш., 2017 й., № 1,

²⁸ ҚР ЖКА, ф.1, р.42, йж. 223, в. 9.

²⁹ Рзаев К. Трудовые ресурсы СРК: пути решения проблемы // Советская Каракалпакия, 1991, 12 июля.

³⁰ Фигурнов С.П. Реальная заработная плата и подъем материального благосостояния трудящихся в СССР. – Москва: Издат. соц.-эконом. лит., 1960. – 198 с.

³¹ ҚР МДА, ф.173, р.1, йж.184. в.90.

**1960 йилларда аҳоли жон бошига пуллик даромад
ва чакана товар айланмаси тўғрисидаги маълумотлар**

Даромад ва товар айланмаси	1960 (%)	1965 (%)	1970 (%)	1975 (%)
Пуллик даромадлар	100	134	186	263
Давлат ва кооператив савдодаги чакана товар айланмаси	100	119	157	197
Пуллик даромадлардаги чакана товар айланмасининг солиштирма ҳажми	92,7	82,4	78,6	69,4

Умуман олганда, кўриб ўтиладиган йилларда шаҳар аҳолисининг кундалик турмуши тўғрисида сўз борар экан, қорақалпоқ жамиятининг ижтимоий ҳаёти қарама-қаршиликлар билан характерланишини айтиб ўтиш ўринлидир. Бир томондан, аҳоли турмуш даражаси ошиб борган бўлса, бошқа томондан эришилган даража аста-секин нафақат ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, балки маиший соҳаларда ҳам аҳоли талабларини қондириш борасидаги турғунликка ўз ўрнини бўшатиб берган.

Иккинчи боб «**Қорақалпоғистонда шаҳар кундалик ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари**» деб номланиб, унда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, уй-жой ва коммунал хизмат, маиший муаммолар, соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат ҳолати билан боғлиқ бўлган масалалар таҳлил қилинган ва ёритиб берилган. Маълумки, республика озиқ-овқат комплекси асосини иқтисодиётнинг аграр сектори ташкил қилган. Бу даврда Қорақалпоғистонда пахта ва шоли экин майдонлари кенгайтирилди. Экин майдонларини суғориш учун сув ресурсларининг етишмаслигига қарамасдан, республикада гуруч етиштириш ҳажми йил сайин ортиб бориб, 1960 йилда – 3,6 минг тонна, 1965 йилда – 27 минг тонна, 1970 йилда – 59,1 минг тонна, 1975 йилга келиб – 169,2³² минг тоннага етган.

Айни пайтда, 1970-йилларда гўшт, сут ва тухум етиштириш кўрсаткичлари кескин пасайиб кетган. 1965 йилда 1960 йилга нисбатан қорамол сони – 18% га, эчки – 1,7 баробар, парранда – 51% га қисқариб кетган³³.

1960-йилларда давлат савдосида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари кўйидагича бўлган: гўшт – 2 руб/кг, қаймоқ – 3,5-3,6 руб/кг, пиширилган колбаса – 2,2-2,9 руб/кг, қора буханка нон – 18-20 тийин, оқ батон нони (300-400 г) – 13 дан 25 тийингача, 1 литр сут – 30 тийин, шакар-рафинад – 1,04 руб./кг, тухум донаси – 9 тийин. Бироқ, аксарият туманларда озиқ-овқат маҳсулотлари кооператив ёки колхоз бозорларидан икки баробар қиммат нархларга сотилган. Шу сабабли, аҳоли анъанавий тарзда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни давом эттирган. Масалан, Хўжайлидаги хусусий

³² Курбаниязов А.Б. Развитие торговли в Каракалпакской АССР в условиях зрелого социализма. – Ташкент: Фан, 1982. – С.45.

³³ Ўша жойда. – С. 46.

уйлардан фаолият юритган цехларнинг бирида 14,5 тонна конфет ишлаб чиқарилган³⁴.

1961 йил 1 январдан бошлаб, пул ислохотидан сўнг янги купюра ва тангалар 1 га 10 нисбатида алмаштирилган. Дастлаб, магазинлардаги нархлар эски ва янги пулларда кўрсатилган. Маълум бир маҳсулотни сотиб олиш жараёнида эски рублларни қабул қилиб, ўрнига қайтим сифатида янги қоғоз пул ёки тангалар берилган. Нукусда кўп қаватли турар жойларнинг биринчи қаватида № 1 Универмаг, № 19 Гастроном, гўшт-сут магазини, спорт товарлари магазини, китоб магазини, «Болалар дунёси» каби савдо муассасалари очилган³⁵.

Шу билан бирга, мамлакат саноати аҳолининг кийим-кечак, уй жиҳозлари, мебель, телевизор ва бошқа маҳсулотларга бўлган, тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмаган. Турар жойларда ҳаттоки радио ҳам бўлмаган, телевизорлар эса 1960-йилларда пайдо бўлган. Хўжайли фуқароси Ж. Торебаев (1945 й.т.) шундай хотирлайди: «Мен 9-синфда ўқиган вақтимда радио сотиб олганмиз, 10-синфда эса – менга велосипед сотиб олиб беришган ва мен унда мактабга қатнаганман. Ўша даврларда кўп товарлар тақчил (дефицит) бўлган. Шунинг учун улар қиммат нархларда, фақат “таниш-билиш”ларга сотилган»³⁶.

Даврий матбуот саҳифаларида ушбу жараён «яшириб раста тагидан олиб сотиш», деб танқид қилинган. 1960-йиллар ўрталарида Қорақалпоқ вилоят партия-давлат органларининг комиссияларидан бири Нукус, Чимбой, Хўжайли ва Мўйноқдаги 135 та савдо пунктларида истеъмол товарларининг чакана давлат нархларини текшириш жараёнида 1 276 та номдаги товарлар оширилган нархларда сотилаётганлигини аниқлаган. Масалан, Нукус шаҳридаги 1-павильоннинг мебеллар бўлимида бир тумбали столлар ўрнатилган 36 рублнинг ўрнига 40 рубль 80 тийиндан сотилган. Мўйноқдаги № 8-магазинда дазмол белгиланган 4 рубль 36 тийин ўрнига 6 рублдан сотилганлиги аниқланган³⁷.

Республиканинг умумий овқатланиш тизими ошхоналар, кафе ва ресторанлардан иборат бўлган. Жумладан, 1960 йилда республикада 293та умумий овқатланиш муассасалари фаолият юритган бўлиб, 10 йил ичида уларнинг сони икки баробар ошган. Энг юқори ўсиш суръати Нукус шаҳрида кузатилган (1960 йилда – 42 та бўлса, 1969 йилда – 68 тага етган), Хўжайли шаҳрида (19 тадан 48 тагача ошган), Беговий шаҳрида эса 1969 йилда фақатгина 13 умумий овқатланиш шахобчалари фаолият юритган³⁸. Шу билан бирга, 1980-йилларда Нукусда биттагина парҳез таомлар ошхонаси бўлган. Корхоналар

³⁴ ҚР МДА, ф. 177, р. 1, йж 6, в. 12.

³⁵ ҚР МДА, ф.322, р.2, йж. 522, в.13.

³⁶ Муаллифнинг дала тадқиқот материаллари, Ходжейли ш., 2018 й., № 2

³⁷ ҚР МДА, ф. 177, р. 1, йж. 12, в.2.

³⁸ Народное хозяйство Каракалпакской АССР. Статистический сборник. – Нукус: Каракалпакия, 1971 – С.159.

ва ўқув муассасалари қошида бу каби ошхоналар деярли фаолият юритмаган³⁹.

Тадқиқ этилаётган даврда шаҳарларда аҳолини турар жой билан таъминлаш муаммоси ҳам жиддий тус олган эди. Масалан, 1960-йилларда шаҳар чизгиларида бир ва икки қаватли турар жойларни қуриш ишлари бошланган. Бироқ, қурилишда минтақанинг табиий-иқлимий шароитлари ва миллий хусусиятлари инобатга олинмаган эди. Қурилиш материаллари сифатида ўзининг изоляцион хусусиятлари билан ажралиб турадиган темирбетонли конструкциялардан фойдаланилганлиги кескин континентал иқлимда уйларнинг ноқулай бўлишига сабаб бўлган⁴⁰.

Шаҳар коммунал хўжалигининг бутун турар жой фонди катта-кичик камчиликлар билан топширилган. Деярли ҳар бир уйларнинг ҳовлиларида тегишли бинолар ва шинамликлар барпо этилмаган эди. Аҳоли зичлиги 3,5 кв.м бир кишига тўғри келган, лекин санитария талаблар бўйича бир кишига меъёрда 9 кв.м. жой талаб этилган. Кўп қаватли уйларнинг балконлари кичкина омборхоналарга айлантирилиб, ҳар бир хонадон овқат пишириш ва иситиш учун хоҳлаган жойида ўчоқ ўрнатган⁴¹.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тизими оёқ-кийим устахоналари, чевархоналар ва сартарошхоналар кирган бўлиб, уларнинг фаолиятлари қониқарсиз бўлган. Хизмат кўрсатиш тизимини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан таққослаганда шуни кўриш мумкинки, 1975 йилда Қорақалпоғистон аҳолисининг маиший хизмат шахобчалари билан таъминланганлиги жуда паст – 72,4% ни ташкил этган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Фарғонада – 99,4 %, Самарқандда – 94,7%, Хоразмда эса – 96,0%дан иборат эди. Бу борада Қашқадарё (65,1%) ва Бухоро вилоятларида (69,4%) аҳвол янада оғирроқ эди⁴².

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш энг долзарб муаммолардан бири бўлган. Жумладан, тадқиқ этилаётган даврда Нукусда жами 40% аҳоли ичимлик сувидан фойдаланган бўлса, Хўжайлида бу кўрсаткич 10%ни ташкил этган. Туман марказларидаги шаҳар аҳолиси янада ёмонроқ шароитларда яшаганлар. Жумладан, Хўжайлида истиқомат қилган У. Заримбетованинг хотирлашича, 1970-йиллар охиридагина улар табиий газдан, кейинчалик эса водопровод тармоқларидан фойдаланишни бошлаганлар⁴³.

Соғлиқни сақлаш тизимида маълум бир ижобий натижаларга эришилган. Ўша йилларда Кегейли, Тахтақўпир ва Хўжайлида касалхоналар қурилган, Чимбойда туғруқхона, Тўрткўлда болалар касалхонаси, Нукусда силга қарши курашиш диспансери, шунингдек, Ўзбекистон тери-таносил касалликлари илмий-тадқиқот институтининг биринчи Қорақалпоғистон филиали очилган эди. 1964-1965 йилларда соғлиқни сақлаш органларига 70дан ортик маъмурий-хўжалик бинолари фойдаланишга берилган. Бироқ, улардан учта-

³⁹ Насыров Б.У. Система общественного питания в Узбекистане: состояние и противоречивое развитие (1920-1980 годы) // Молодой ученый. – 2013. – № 12. – С.747-749.

⁴⁰ Камалов К. Ел хизметинде. (еске тусириулер) – Нөкис: Қарақалпақстан, 1995. – С.246.

⁴¹ ҚР МДА, ф. 273, р. 2, йж. 72, в. 1.

⁴² Абдурашидов Б. Маиший хизмат ва унинг истиқболи. –Тошкент: Ўзбекистон, 1980. – С. 15.

⁴³ Муаллифнинг дала тадқиқот материаллари, Ходжейли ш., 2018 й., № 4

гина тиббиёт муассасалари намунавий биноларда фаолият юритган бўлса, қолганлари мослаштирилган хоналарга жойлаштирилган эди⁴⁴. Шу билан бирга, тиббий ходимларнинг етишмаслиги ҳам кузатилган. Бу даврда Қорақалпоғистонда 10 000 аҳолига 7,2 та врач тўғри келган. Ўзбекистон бўйича бу кўрсаткич – 13,9 тани ташкил этган. Қорақалпоғистон бу соҳада Тошкентдан (10 000 нафар аҳолига 53,5 врач), Самарқанддан (14,1), Тошкент вилояти (11,4), Фарғона (8,3), Наманган (7,6), Навоий (7,5) вилоятларидан анчагина орқада қолган эди⁴⁵.

Қорақалпоғистондаги оғир санитар-эпидемиологик ҳолат ҳал этилмай қолиб кетган. 1970-1985 йиллардаги Орол фожеаси паратиф (ич терлама), сил, саратон ва бошқа юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келган. 1987 йил охирларида республикада 5 414 врач ўрнига 2 865 нафар мутахассис фаолият кўрсатган⁴⁶. 1980-йилларда республика бўйича ҳар 100 минг аҳолига 85 нафар саратон касаллиги билан оғриган бемор тўғри келган. Шундан 43,4% меҳнатга лаёқатли инсонларнинг қизилўнгач саратонига учраганлиги қайд этилган. Сил касаллиги билан оғриш юқори кўрсаткичларда бўлган. Туғиш ёшидаги аёллар (15-49 ёш) ўртасида кенг тарқалган камконлик (анемия) касаллиги марказий нерв тизими шикастланган болалар туғилишининг ўсиб боришига сабаб бўлган⁴⁷. Шу билан бирга, аҳоли врачларга кам мурожаат қилган. Кегейли фуқароси М. Искендеровнинг (1941 й.т.) хотирлашича, 1960-йилларда «касал бўлганлар дори ёки таблеткалардан фойдаланмас эдилар, одатда беморларга уй шароитида тайёрланган *торақ*⁴⁸ берилган⁴⁹.

Хулоса қилиб айтганда, 1960-1980 йиллар Қорақалпоғистон аҳолиси ҳаётидаги туб ўзгаришлар даври бўлган. Бир томондан, аҳолининг турмуш даражаси анча яхшиланган бўлса-да, бошқа томондан, моддий-маиший таъминот кўрсаткичлари бўйича минтақа бошқа ҳудудлардан анча орқада қолган эди. Соғлиқни сақлаш тизими ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш талаб даражасида ташкил этилмаган эди. Айниқса, оғир санитария-эпидемиология ҳолати аҳолининг кундалик турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатган.

Учинчи боб «**Қорақалпоғистон шаҳар аҳолиси кундалик ҳаётининг ижтимоий-маданий тавсифи**» деб номланиб, унда шаҳарликлар ҳаётида таълимнинг роли очиб берилади. 1960-йилларда Нукус фан ва маърифат марказига айланган эди. Бу ерда Республика кутубхонаси, ўнлаб мактабгача таълим ва умумтаълим ўқув муассасалари фаолият кўрсатган. Масалан, 1960-йилларда Нукусдаги болалар боғчалари сони – 7 та, Хўжайли ва Мўйнакда – 8 та, Тахиатош каби саноат шаҳарларида– 350 нафар болалар учун 5 та,

⁴⁴ ҚР МДА, ф. 273, р.2, йж. 189, в.25.

⁴⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году. Статистический ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1988. – С.299.

⁴⁶ ҚР МДА, ф.1, р 46, йж. 586, в.39.

⁴⁷ Абдиров Ч. Медико-биологические аспекты проблемы Арала // Вестник ККО АН РУз. – 1992. – № 4.– С.5.

⁴⁸ Торақ – (Уй шароитида тайёрланган сут махсулоти). Каракалпакско-русский словарь (под. ред. проф. Н.А. Баскакова), Москва: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1958. – С. 649.

⁴⁹ Муаллифнинг дала тадқиқот материаллари, Кегейли т., 2018 й., № 19.

Кўнғиротда – 2 та болалар боғчалари фаолият кўрсатган⁵⁰. Шу билан бирга, Хўжайлидаги боғчаларнинг тенг ярми, Нукусдаги 7 та болалар яслиларидан 5 таси мослаштирилган хоналарда фаолият кўрсатган. Болаларни боғчаларга жойлаштириш ўринлар етишмаганлиги сабабли жуда қийин бўлган⁵¹

1960-йилларнинг бошида мактаб таълимини ислоҳ қилиш ҳаракатлари амалга оширилган. Ўн йиллик таълимдан ўн бир йиллик таълимга ўтиш жараёни бошлаган эди. Янги тизимга дастлаб барча шаҳар, сўнгра қишлоқ мактаблари ўтишни бошлаган эди. 1962 йилда илк бор 218 нафар ўқувчилар 11 синфни биттирганлар. 1963 йил сентябрдан қолган барча 29 та умумтаълим мактаблари ўн бир йиллик таълимга ўтказилган. Кегейли шаҳри фуқароси О.Жаримбетов қуйидагиларни хотирлайди: «Еттинчи синфни битиргандан сўнг мен қишлоқ хўжалиги билим юртида ўқиганман. Синфда ёши энг кичиклардан бўлиб, бир ўзим соқол-мўйловли эркаклар орасида таҳсил олганман. 1961 йилда бизнинг овулдаги етти йиллик мактабни саккиз йилликка айлантирилганлиги тўғрисида хабар келгандан сўнг, мактабга қайтиб бордим. Тўққизинчи синф бўлмаганлиги сабабли Кегейлидаги М. Горький номидаги мактабга қатнадим. 1963 йилда мактаб ўн бир йиллик бўлганлигини айтишди ва уни бир йилдан сўнг битирганман»⁵². Мактабда ўқувчилар сони кўп бўлганлиги ва бўш синфлар бўлмаганлиги сабабли синфдан ташқари машғулотлар ўтказилмаган, жисмоний тарбия, ашула ва мусиқа дарсларининг ўқув соатлари қисқартирилган эди.

1960-йилларда Қорақалпоғистон таълим тизимида Қорақалпоғистон педагогика давлат институти алоҳида ўрин тутган⁵³. Бўлғуси ректор К. Уте-ниязов ўз хотираларида қуйидагиларни эслайди: «Қишлоқ жойдаги мактабда ўнинчи синфни тамомлагандан сўнг, кийинчилик билан ота-онамнинг розилигини олиб, Нукусга борганман. Бу вақтга келиб, абитуриентлар иккита имтиҳонни топшириб, баҳоларини ҳам олиб улгурган эканлар. Кўнглим нотинч эди. Бироқ, ўша йилларда ўқишни хоҳлаганлар учун маълум имкониятлар мавжуд эди. Имтиҳондан ўта олмаган абитуриент уни қайта топшириш имконига эга бўлган. Кеч қолган абитуриентларга ҳам ҳужжат топшириш ва имтиҳонларга киришга рухсат берилар ва бундай амалиёт 1960-йилларда ҳам давом этган эди. 1961 йилда институтга қабул қилинган 213 нафар талаба республиканинг узоқ туманларидан келган. Айниқса, катта имкониятлар қишлоқлардан келган қизларга берилган, чунки аксарият ота-оналар қизларини олий таълим муассасаларига ўқишга юбормаганлар»⁵⁴.

⁵⁰ ЎзР ИТТХ МДА, ф.40, р. 3, йж.16, в.24.

⁵¹ ЎзР ИТТХ МДА, ф.40, р. 3, йж.16, в.32.

⁵² Муаллифнинг дала тадқиқот материаллари, Кегейли т., 2018 й., № 31.

